

### РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Болтаев Жўрабек Юсуфович**

ТДИУ таянч докторанти

[jo`rabek.boltayev@tsue.uz](mailto:jo`rabek.boltayev@tsue.uz)

#### *Аннотация*

*Ушбу мақолада сўнги йилларда ишбилармонлик муҳити учун кенг истиқболларни очадиган рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, рақамли иқтисодиёт шароитида бизнеснинг бир нечта асосий истиқболларини ўрганишдан иборат.*

#### *Аннотация*

*В данной статье бурное развитие цифровой экономики, открывающее широкие перспективы для бизнес-среды в последние годы, заключается в изучении нескольких основных перспектив бизнеса в цифровой экономике.*

#### *Abstract*

*In this article, the rapid development of the digital economy, which opens wide prospects for the business environment in recent years, is to study several main perspectives of business in the digital economy.*

#### *Калим сўзлар*

*рақамли иқтисодиёт, ишбилармонлик муҳити, кичик бизнес, тадбиркорлик субъектлари.*

#### *Ключевые слова*

*цифровая экономика, бизнес-среда, малый бизнес, субъекты хозяйствования.*

#### *Keywords*

*digital economy, business environment, small business, business entities.*

#### **Кириш**

Тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг институционал шароитини қоида ва механизмлар мажмуи сифатида қабул қилиш керак. Бунда тадбиркорлик

субъектлари томонидан ушбу белгиланган қоида ва меъёрларни бажаришга мажбур бўлиши керак. Институционал структура динамикасида юзага келадиган ҳаттоки, кичик бир ўзгариш тадбиркорлик структурасига таъсир этади. Институт, қоида, махсус кафолатлар - тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришда институционал шароитларнинг мажбурий элементлари ҳисобланади. Замонавий Ўзбекистонда очик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишни амалга оширишга қаратилган радикал макроиқтисодий қайта қуриш амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан ресурс, конъюктура ва институционал омиллар таъсири остида бизнес структурасида ўзгаришлар юзага келмоқда [1]. Шунингдек, «жаҳон тажрибасида кичик бизнес давлатнинг кўмагисиз жуда секин ривожланаётганлиги ҳам барчага маълум» [2]. Шундай экан, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини қулайлаштириш, тадбиркорларга яхши шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг замонавий усул ва воситаларини жорий этиш, мазкур жараёнларнинг самарадорлигини оширишда рақамли иқтисодиёт имкониятларидан самарали фойдаланиш, кичик бизнеснинг инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, ишбилармонлик муҳитини кучайтиришда турли инфратузилма хизматларини йўлга қўйишнинг ташкилий-иқтисодий масалаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

### **Адабиёт таҳлили**

E.Staley ва R.Morse (1971) [3], A.Bruno ва T.Tyebjee (1982) [4], W.Gartner (1985) [5], кабилар ишбилармонлик муҳитини мамлакат ёки ҳудуд миқёсида тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳукуқий ва институционал шарт-шароитларни ўз ичига олувчи ва қўллаб-қувватловчи инфратузилмалар зарурлиги билан тушунтирадilar. Бундан ташқари K.Manning, S.Birley ва D.Norburn (1989) [6], фикрича, инсонда қобилият ва кўникмалар, тажриба ва мотивациянинг бўлиши янги корхоналарни яратишда муҳим роль ўйнайди. Бошқача айтганда, инсондаги бу каби фазилатларгина ишбилармонлик муҳитини шаклланишига туртки беради.

Хорижий иқтисодчилар томонидан «турли мамлакатларда ўтказилган эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ишбилармонлик муҳити яхши бўлган жойларда энг минимал стандартлар ва меъёрлар қўлланилади, солиқ ва бошқа имтиёзлар тақлиф қилинади, шунингдек, бошловчи тадбиркорлар учун тренинг ва маслаҳатлар хизматларини тақдим этиб, янги бизнесни очиш

эҳтимоли оширилади» (L.Dana; 1987, 1990) [7]. Бундан ташқари, J.Pennings (1982) [8] молиявий ресурсларнинг мавжудлиги, катта шаҳарлашган жойлар, таълим ва тадқиқот учун университетларнинг мавжудлиги каби омиллар янги корхоналар яратиш тезлигини ошириш учун жуда муҳим деб ҳисоблайди. Аниқроғи, ишбилармонлик муҳити қулай бўлган жойдагина янги корхоналарни тез очилишига кенг шароитлар борлиги қайд этилади.

J.Doutriaux (1988), P.Davidsson (1991) [9], D.Swanson va L.Webster (1992) [10], D.Hawkins (1993) [11], S.Takyi-Asiedu (1993) [12] кабилар эса ўз эътиборларини тадбиркорлик муҳитига таъсир этувчи ташқи омилларни ўрганишга, яъни «у ерда нима борлигини кўрсатиш» учун тавсифловчи ёндашувларни ўрганишга қаратганлар. Бошқача айтганда, «қандай шарт-шароитлар ишбилармонлик муҳитини шаклланишига ва яхшиланишига олиб келиши мумкинлиги» нуқтаи назардаги ёндашувларини қайд этишган. Яна бир қатор иқтисодчилар, яъни J.Goodman, J.Meany, L.Pate (1992) [13], B.Mokry (1988) [14], E.Segura (1988) [15], P.Westhead (1990) [16] кабилар эса тадбиркорлик муҳитини шакллантириш учун шарт-шароитлар ва имкониятлар ярата олишда ҳукумат ёки давлатнинг ролини алоҳида қайд этадилар.

Ўзбек иқтисодчиси профессор Б. Салимов эса «ишбилармонлик муҳити» иборасини ишлатмаган бўлса-да, «ҳар қандай бизнес маълум муҳитда фаолият кўрсатади» [17] деб айтади. Унинг фикрича, ўша «маълум муҳит» «йўл» қўйса, корхона ўз ҳаракати туфайли олдига қўйилган мақсадга эришиши мумкин. Шунинг учун аксарият иқтисодчилар «бундай муҳит айрим ҳудудлар миқёсида мужассамланиб, ўзида ишбилармонликни амалга оширишни мужассамлантирган...» [18] деб алоҳида эътироф этганлар.

Таниқли иқтисодчи С.С.Фуломовнинг «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» номли ўқув қўлланмасида тадбиркорлик муҳитига ички ва ташқи омилларнинг таъсири ва уларнинг ўзгарувчанлиги тўғрисида фикр берилган.

Ўзбек иқтисодчилари Ё.Абдуллаев ва Ф.Каримовлар кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун ўзига хос шарт-шароитлар тўғрисида фикр юритиб, «тадбиркорлик шароитлари деганда, энг аввало, иқтисодий фаолиятдаги эркинликни тушунамиз. Эркинлик бор жойда бунёдкорлик, ижодкорлик завқи жўш уради...» [19] деб қайд этадилар. Уларнинг ушбу фикри тадбиркорлар ва умуман бизнес субъектлари учун муайян ишбилармонлик муҳити бўлиши кераклигига ишорадир.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини шакллантириш зарур экан, корхонани ички ва ташқи муҳитларини таҳлил этиш лозим бўлади. Шунинг учун Ё.Абдуллаев ва Ш.Юлдашевлар каби иқтисодчилар корхонага ички ва ташқи муҳитнинг жиддий таъсири борлигини ва уларнинг ҳар бири ўзига хос муҳимлигини алоҳида қайд этганлар [20].

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотнинг назарий ва амалий асоси бўлиб, илмий билишнинг диалектик услуби ҳамда иқтисодчи олимларнинг ишбилармонлик ва бу соҳада рақамли технологияларни кенг татбиқ қилиш ва ривожлантириш бўйича илмий ғоялари, назарий-амалий қарашлари, соҳа бўйича етакчи компанияларнинг амалий тажрибалари хизмат қилди. Бундан ташқари, тадқиқот жараёнида мантиқий фикрлаш, статистик таҳлил, кузатув ва қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш ҳамда илмий умумлаштириш каби усуллардан кенг фойдаланилган. Мавжуд методологик ёндошувларга таянган ҳолда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик

субъектлари фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини шакллантириш татбиқ этиш юзасидан амалий янгиликлар ва хулосалардан кенг фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг қулайлашувига тобора боғлиқ бўлиб бормоқда. Аниқроғи, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш учун давлат томонидан қанчалик тартибга солиб, шарт-шароитлар яратиш борилса, шунчалик кичик бизнес субъектларининг фаоллиги ошиб боради.

Шу билан бирга, эътироф этиш керакки, иқтисодиёти барқарорлашиб борган ҳар бир мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг тобора ривожланишига рақамли иқтисодиётнинг таъсир кўлами сезиларлироқ бўлиб бормоқда. Айниқса глобал ривожланаётган иқтисодий муносабатлар тобора кўпроқ виртуал муҳитда амалга оширилмоқда, бу эса жаҳон иқтисодиётининг ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.



**1-расм. Рақамли иқтисодиёт шароитида ишбилармонлик муҳитини яратиш жараёнига киритилган асосий қадамлар [21]**

Фикримизча, ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига таъсир кўрсатаётган рақамли иқтисодиёт туфайли ишбилармонлик муҳитини яратишга комплекс ёндашув орқали тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, инвестицияларни жалб қилиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин (1-расм).


Шундай қилиб, виртуал муҳит ишбилармонлик муҳитининг таркибий қисмига тобора кириб бормоқда ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаоллаштиришга кўмаклашмоқда. Бошқача айтганда, ахборот-коммуникация технологиялари асосида бизнесни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари уни янги электрон шаклдаги муҳитнинг ривожланишига олиб келмоқда.

Ҳаётимизда рақамли иқтисодиёт тушунчаси оммалашиб борар экан, келажакда моддий жиҳатдан ҳам ўзига хос қулайликлар яратиб боради. Кўпчилик нақдсиз тўловларни амалга оширишга ва онлайн харид қилишга ўрганиб бормоқда. Рақамли иқтисодиёт моҳиятини шундай тушунтириш мумкинки, келажакда у инсонни деярли барча соҳалардаги фаоллигини оширади.

Дарҳақиқат, кўпчилигимиз нақд пуллик савдолашишдан кўра онлайн тарзда харид қилишга ўрганиб бораёмиз. Хўш рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти нимадан иборат ва унинг кўлами қандай?

Иқтисодиётнинг рақамли тури одатда қандайдир модель кўринишида муайян миқёсда фаолият кўрасатади. Масалан, бозор субъектларининг электрон шаклдаги турли иқтисодий алоқалари, онлайн тарздаги савдо-сотиклар, аҳолига виртуал хизматлар кўрсатиш, умуман электрон тарздаги инфратузилмаларининг кенгайиб бораётганлиги, шулар жумласидандир.

Ўзбекистон иқтисодиётида рақамли иқтисодиёт туфайли юзага келган виртуал муҳит ўз-ўзидан ишбилармонлик муҳитининг кенгайишига олиб келмоқда. Аммо ишбилармонлик муҳитининг кенгайишида қонунчиликни такомиллаштириш, малакали мутахассисларни жалб этиш, инфратузилма фаолиятини яхшилаш, коррупцияга қарши курашиш каби омилларнинг аҳамиятини алоҳида эътироф этиш зарур деб ҳисоблаймиз (2-расм).



**2-расм. Рақамли иқтисодиёт таъсирида ишбилармонлик муҳитининг кенгайиши механизми [22]**

Рақамли технологияларни фаол жорий этиш, жараёнларни рақамлаштириш ва инновацион ёндашув орқали корхоналар рақамли иқтисодиёт таъсири остида ўзларининг ишбилармонлик муҳитини муваффақиятли кенгайтириб, бозорда ўсиш ва рақобатбардошликни таъминлайдилар.

Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши кичик бизнес субъектларининг ички ва ташқи муҳитига таъсир қилиб, уларнинг ишчанлик фаолиятини оширади. Ахборот-коммуникация технологиялари такомил-лашиб борган сари рақамли иқтисодиётнинг кўлами кенгайиб, корхоналар янгидан-янги виртуал бозорларни ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Ахборот технологиялари ёрдамида харажатларни камайтириш ва иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида меҳнат самарадорлиги ҳамда унумдорлигини ошириш имконияти пайдо бўлмоқда.

Фикримизча, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида ахборот инфратузилмаси – иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш ва синтез қилиш билан шуғулланадиган агентликлар ва фирмалар алоҳида рол ўйнайди.

Демак, рақамли иқтисодиёт – бу ишлаб чиқариш мажмуаси яъни, маҳсулот ва хизматларни яратувчи ишлаб чиқариш тизими сифатида, инсоннинг ёки аҳолининг бекаму кўст ҳаётини таъминлайдиган қандайдир кибер-моддий тизим асосидаги иқтисодиёт.

Халқаро миқёсда рақамли иқтисодиёт – бу хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг тармоққа уланган тизимли равишда ташкиллаштирилган тизимдир. Бу тизим янги ахборот, технологиялар ва маҳсулотлар яратиш, телекоммуникация хизматлари, электрон бизнес, электрон тижорат, электрон бозорлар, масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа компонентларни яратиш ва улардан фойдаланиш соҳасини ўз ичига олади.

Аксарият хорижий ишбилармонлар рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланган ҳолда, ўзларининг бизнеслари учун янги-янги имкониятларни келтириб чиқариш ҳақида ўйлайдилар. Аммо маҳаллий тадбиркорларимиз рақамли иқтисодиёт тўғрисида ҳали тор доирадаги дунёқарашга эгалар. Масалан, иқтисодий фаолият турлари бўйича жами кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг атиги 3 фоизи ахборот ва алоқа тармоғига тўғри келади. Хусусан, жаҳон мамлакатларида АКТ ривожланишининг 2023 йилги индекслари ҳисобланганда Ўзбекистон индекси 4,95 га тенг бўлиб, дунё бўйича 94-ўринда турибди. Аммо шуни қайд этиш керакки, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ишбилармонлик муҳитининг қулайлашувига жуда салмоқли ижобий таъсир кўрсатиб борапти. Қолаверса, халқаро бизнеснинг ривожланишида инновацион тарзда жуда муҳим роль ўйнамоқда.

Айнан рақамли иқтисодиётнинг ўзи энг янги инновацияларни ўз ичига қамраб олмоқда. Аксарият хорижий ишбилармонлар рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланган ҳолда, ўзларининг бизнеслари учун янги-янги имкониятларни келтириб чиқариш ҳақида ўйлайдилар. Худди шундай маҳаллий тадбиркорларимиз ушбу соҳани ўзлаштириш зарурлигини аллақачон тушуниб етганлар. Чунки инновацион тадбиркорликнинг янгича босқичини ўзлаштириш орқалигина рақобат муҳитида илғор бўлиш мумкин.

Ҳозирги даврда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида туб ўзгаришлар рўй бермоқдаки, турли йўналишдаги компанияларнинг иқтисодий фаолиятида бу каби ўзгаришлар, у ёки бу тарздаги аксини намоён қилмоқда. Интернет туфайли кичик корхоналар, микрофирмалар, хаттоки янги ташкил

этилган тадбиркорлик субъектлари ҳам ўз маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқиш ва сотиш имкониятларига эгадирлар. Хаттоки кичик сармоялар асосида янги корхоналар пайдо бўлмоқда ва улар тез ривожланиб бормоқдалар. Ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши туфайли кичик бизнес субъектларининг аксарияти учун қулай муҳит тобора кенгайиб бораётганлигини англатади.

Баъзи тадбиркорлар бугунги кунда компьютерда мавжуд вазифаларни соддалаштириш учун технологиядан фойдалансалар ҳам, аслида рақамли иқтисодиётни янада ривожланганроқ деб тушуниш даркор. Чунки фақат анъанавий равишда қўлда ёки аналог қурилмаларда бажариладиган вазифаларни амалга ошириш учунгина компьютерни ишлатиш ярашмайди. Ундан кенгроқ фойдаланиш керак. Рақамли иқтисодиёт кичик бизнес субъектларига ва тадбиркор шахсларга ўз вазифаларини аввалгидан кўра тезроқ, сифатлироқ ва замонавийроқ бажариш учун технологиядан фойдаланиш имконияти ва эҳтиёжларини таъминлаб беради.

Бироқ, шу билан бирга, рақамли иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда бозорда кичик корхона ёки микрофирмаларнинг иқтисодий аҳволи тобора қийинлашиб қолаётган вазиятни ҳам инкор этиб бўлмайди. Бундай вазият айниқса, бозор тизимига асосланиб бораётган МДҲ мамлакатлари иқтисодиётида сезилмоқда. Дарҳақиқат, ривожланаётган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг амалиётга жорий этилишида муаммолар мавжуд. Корхоналарда стратегик қарорлар қабул қилишда хавф-хатар ва таваккалчилик даражаси ошиб бормоқда. Бу эса бозор конъюнктурасини барқарорлаштишига салбий таъсир қилиб, бундай вазиятни технологик даражадаги динамик ўзгаришлар, рақобатнинг ортиши билан изоҳлаш мумкин. Бу каби иқтисодий жараёнларни тартиблаш учун иқтисодиётга давлатнинг таъсири керак бўлади.

Рақамли иқтисодиёт бугунги кунда жуда муҳим тармоқ бўлиб, жуда катта ўсиш имкониятини бера олади. Бундан ташқари, рақамли иқтисодиётнинг таъсир кўлами ахборот товарлари ва хизматларидан ташқари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини, умуман инсоннинг ҳаёт тарзини ўз ичига қамраб олади. Мобил қурилмаларнинг ривожланиши, хусусан, жамиятдаги интернет тармоғини кенгайтириш имконини берди. Шунинг учун рақамли иқтисодиётдаги рақобат масалалари кичик бизнес субъектлари рақобатида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Рақамли иқтисодиётда ишбилармонлик муҳитининг ривожланиши бизнес фаолияти ва умуман иқтисодий муҳитга таъсир кўрсатадиган бир қатор муҳим ўзгаришлар ва вазиятларга олиб келиши мумкин. Қуйида рақамли иқтисодиётда ишбилармонлик муҳитининг ривожланиши олиб келиши мумкин бўлган баъзи ҳолатлар тасвирланган:

1. Инновацион имкониятларнинг кенгайиши:

- Рақамли иқтисодиёт инновациялар, рақамли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, шунингдек, замонавий технологияларни жорий этиш учун янги имкониятлар очади.

- Корхоналар жараёнларни яхшилаш, самарадорликни ошириш ва истеъмолчилар учун ноёб таклифларни яратиш учун рақамли воситалардан фойдаланишлари мумкин.

## 2. Глобал бозорга кириш имкониятлари:

- Рақамли трансформация компанияларга онлайн савдо, глобал рақамли мавжудлик ва халқаро ҳамкорлик орқали ўз бозорларини кенгайтиришга имкон беради.

- Рақамли платформалар ва ечимлар туфайли корхоналар учун халқаро аудиторияни қамраб олиш ва бутун дунё бўйлаб миқозлар билан мулоқот қилиш осонлашади.

## 3. Рақобатнинг кучайиши:

- Рақамли иқтисодиёт кўплаб соҳаларда рақобатни кучайтиради, чунки янги ўйинчилар, шу жумладан стартаплар ва технология компаниялари бозорга тезда кириб бориши мумкин.

- Ўсиб бораётган рақобатни енгиш ва бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун корхоналар мослашувчан ва инновацион бўлиши керак.

## 4. Самарадорлик ва хавфларни ошириш:

- Рақамли технологияларни жорий этиш ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, мунтазам вазифаларни автоматлаштириш ва бизнес операцияларини оптималлаштириш имконини беради.

- Рақамли ечимларни муваффақиятли бирлаштирган компаниялар ўз фаолияти самарадорлигини ошириши ва меҳнат унумдорлигини ошириши мумкин.

## 5. Риск ва маълумотларни бошқариш:

- Рақамли иқтисодиётда ишбилармонлик муҳитининг муваффақиятли ривожланиши киберхавфсизлик ва маълумотларни бошқаришни таъминлаш бўйича пухта чораларни талаб қилади.

- Корхоналар миқозлар маълумотларининг махфийлигини ҳимоя қилиш, меърий талабларга риоя қилиш ва кибер таҳдидларнинг олдини олишга эътибор қаратишлари керак.

Рақамли иқтисодиётда ишбилармонлик муҳитининг ривожланиши ўсиш ва ривожланиш учун кўплаб имкониятларни тақдим этади, аммо рақамли ҳақиқатда муваффақиятли ишлаш учун корхоналардан мослашувчанлик, инновация ва стратегик фикрлашни талаб қилади. Ишбилармонлик муҳитидаги ўзгаришларга хабардорлик ва мослашиш рақамли трансформация даврида компаниялар учун муваффақиятнинг асосий омилларига айланмоқда.

## **Хулоса ва таклифлар**

Рақамли технологияларга ўтиш ҳам корхоналар, ҳам давлат учун жуда кўп афзалликларга эга. Қуйида рақамли трансформация орқали эришиш мумкин бўлган асосий афзалликлар келтирилган:

### Бизнес учун:

- Операциялар самарадорлигини ошириш: рақамли технологиялар бизнес жараёнларини автоматлаштириш, иш жараёнларини оптималлаштириш ва самарадорликни ошириш имконини беради.



- Бозорлар ва мижозлар базасини кенгайтириш: рақамли алоқа каналларидан фойдаланиш корхоналарга ўз аудиториясини кенгайтириш, янги бозорларга чиқиш ва мижозлар иштирокини яхшилаш имконини беради.

- Инновацион имкониятлар: рақамли трансформация инновацияларга, янги маҳсулотлар ва хизматларни ривожлантиришга, шунингдек истеъмолчилар учун ноёб таклифларни яратишга ёрдам беради.

- Яхшиланган таҳлил ва қарор қабул қилиш: рақамли технологиялар катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга имкон беради, бу эса корхоналарга фактик маълумотларга асосланган ҳолда кўпроқ маълумотли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

- Харажатларни камайтириш: рақамли ечимлардан самарали фойдаланиш корхоналарга транзакцион харажатларни камайтиришга, инвентаризацияни бошқаришга ва харажатларни оптималлаштиришга ёрдам беради.

Давлат учун:

- Иқтисодий ўсиш: рақамли трансформация рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига ёрдам беради, инновацияларни рағбатлантиради ва давлатнинг иқтисодий ўсишига ҳисса қўшади.

- Рақобатбардошликни ошириш: иқтисодиётнинг турли соҳаларида рақамли технологияларнинг ривожланиши туфайли давлат жаҳон миқёсида рақобатбардош бўлиб бормоқда.

- Давлат хизматлари сифатини ошириш: давлат хизматлари ва жараёнларини рақамлаштириш фуқаролар ва корхоналар учун давлат хизматларининг қулайлиги ва сифатини яхшилашга имкон беради.

- Бошқарув ва қарорларни қабул қилишни оптималлаштириш: рақамли бошқарув ва таҳлил тизимлари давлатга самарали бошқарув ва қарорларни қабул қилиш учун маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.

- Маълумотлар хавфсизлиги ва ҳимоясини такомиллаштириш: рақамли технологиялар киберхавфсизлик ва маълумотларни ҳимоя қилишни яхшилашга ёрдам беради, бу давлат идоралари ва фуқароларнинг маълумотлари хавфсизлиги учун муҳимдир.

Шу сабабли, рақамли трансформация ҳам корхоналар, ҳам давлат учун катта фойда келтиради, инновациялар, иқтисодий ўсиш ва бошқарув самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. –Т.: Меҳнат, 2000. – 352 б.
2. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство: Учебник. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2008. – 380 с.
3. Арипов О.А. Хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. –Т.: «IMPRESS MEDIA» МЧЖ. Наманган нашриёти. 2018. – 213 б.
4. Акофф Р., Эмери Ф. О целеустремленных системах. Пер. с англ. Под ред. И. А. Ушакова. –М.: «Сов. радио», 1974, – 272 с.

5. Ансофф И. Стратегическое управление. / Пер. с англ. — М.: Экономика, 1989. — 519 с. // Электронная публикация: Центр гуманитарных техноло-гий. — 20.02.2012. URL: <https://gtmarket.ru/laboratory/basis/4155/4172> ва <https://gtmarket.ru/laboratory/basis/4155/4158>
6. Баймуратова Л.Р., Долгова О.А., Имаева Г.Р., Гриценко В.И., Смирно К.В., Аймалетдинов Т.А. Цифровая грамотность для экономики будущего / Аналитический центр НАФИ. —М.: Издательство НАФИ, 2018. — 86 с.
7. Блинов А. О. Малое предпринимательство. Организационные и правовые основы деятельности. — 2-е изд. —М.: «Ось-89», 1998. — 336 с.
8. Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. —Т.: Иқтисодиёт, 2012. — 274 б.
9. Василенко Н.В. Институциональная среда организаций: характеристики и уровни регулирования. URL: <http://www.vivakadry.com/20.htm> (дата обращения: 20.06.2018).
10. Географический справочник ЦРЦ. — Екатеринбург. У-Фактория, 2005. — 704 с.
11. Государственное регулирование национальной экономики: Учебное пособие / По ред. Н.А.Платоновой, В.А.Шумаева, И.В.Бушуевой. —М.: Альфа-М: ИНФРА-М, 2008.
12. Дятлов А.Н. Общий менеджмент: концепции и комментарии: Учебник. / А. Н. Дятлов, М. В. Плотников, И. А. Мутовин. —М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. — 400 с.